Мухаммад Рахим ибн Мухаммад Хакимбий
(1709-1758-йил 24-март),
(1756-1758)

Мухаммад Рахим оталик, мангитлар сулоласининг асосчиси, кушбеги, 1756-1758-йилларда расман Бухоро хони (1747-йилдан амалда), отаси – Мухаммад Хакимбийнинг кўмаги билан аштархоний хукмдор Абулфайзхон саройида бош вазирлик лавозимида хизмат килган. Эрон шохи Нодиршохнинг Бухорога хужумидан кейин унинг мамлакатда мавкеи янада ошган ва Абулфайзхоннинг кизига уйланган. Бухоронинг обрўли кишилардан 12000 нафарига бош бўлиб, уларни ок уйлик сифатида Эрон пойтахти – Машхадга олиб келган. У 1745-йилдаги каттакўргонлик Ибодуллохбий бошчилигида хитой-кипчок кавмлари кўтарган исённи бостириш учун Нодиршохнинг буйругига кўра Бухорога кайтади ва кушбеги- бош вазир лавозимини эгаллайди. Айнан шу пайтдан бошлаб у Бухоро хонлигининг амалдаги хукмронига айланган. Мухаммад Рахимбий буйруги билан 1747-йилда Абулфайзхон Мир Араб мадрасаси хужраларидан бирида ўлдирилади. Тахтга Абдулмўминхон (1747-51), Убайдуллахон ИИИ (1751-54), Шергози (1754-56) ни ўтказиб, бу кўгирчок хонлар даврида марказий хокимиятга бўйсунишни хохламаётган Миёнкол, Нурота, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Шахризабз, Бойсун, Хисор, Кубодиён ва бошка бекликларини тўрт йил давомида устига юриш килиб уларни ўзига бўйсунтиради. Буркут, бахрин, кенагас, кипчок, юз, сарой бошка кавмларни мамлакатнинг турли худудларига кўчириб хонликнинг яхлитлиги ва хавфсизлиги учун изчил курашган. Урушлар туфайли вайрон бўлган Даргон каналини кайта тиклаттирган. Бухоро шахрининг мудофаа девори мустахкамланиб, 1752-53-йилларда баландлиги икки метрли янги девор курилган. 1756-йил 16-декабрда Мухаммад Рахимбий Бухоро тахтига расмий равишда хон бўлиб ўтиргач, Бухорода хокимят тепасига янги сулола - мангитлар сулоласининг хукмронлиги бошланди ва бу сулола мамлакатни 1920-йилгача идора килган.
Мухаммад Рахимхон мамлакатда ўзининг мутлак хукмдорлигини ўрнатиш хамда ички бош-бошдокликни тугатиш сиёсатини тутди. Бундай сиёсатдан кўзланган максад – марказлашган давлатни тиклаш эди. Мухаммад Рахимхон бу сиёсатни рўёбга чикаришга катъий киришди ва барча махаллий хукмдорларни ўз хузурига чорлаб, уларга ўзининг асл максадини, ўз дастурини маълум килди. Кайси махаллий хукмдор марказий хокимиятга бўйсунмаса, ундайларни аёвсиз жазога тортилишини огохлантирди. Хива хонлигидаги сиёсий низолардан фойдаланиб, тахтга ўз одамларини ўтказган.Мухаммад Рахимхон йирик ер эгаларининг давлатни бошкариш ишларида шу вактгача давом этиб келган аралашувларини кескин камайтиришга эришган. Шундай бўлса-да, у барча бекликларнинг марказий хокимятни тан олишларига тўла эриша олмаган. Бухоролик тарихчи Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг ёзишича Мухаммад Рахимбий Гиждувон туманидан кайтаётганида йўлда вафот этган. Бухородаги Шохруд анхори бўйида, Мозор дарвозасидаги Абу Бакр тархон кабристонида дафн этилган.